

## ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ АДОЛАТ КОНЦЕПЦИЯСИ

Асрор Мухамедов

Андижон давлат университети эркин изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7109677>

**Аннотация:** Ушбу тезисда Юсуф Хос Ҳожибнинг адолат концепцияси ҳақида сўз боради. Унда адолат категорияси ижтимоий барқарорлик призмасида таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** Юсуф Хос Ҳожиб, фалсафа, адолат, ижтимоий барқарорлик, жамият, давлат.

Адолат инсониятнинг минг йиллар давомида ўйлантириб келган тушунча. Барча ҳукмдорлар ҳам ўз хатти-ҳаракатларини адолатли эканлигига урғу беради. Барча динларда ҳам адолатлилик олқишланади, адолатсизлик эса муқаррар жазога маҳкум экани айтиб ўтилади. Адолат нафақат давлат бошқаруви, у оила, гуруҳ, жамоа ва жамият учун ҳам бирдай таалуқли ҳодиса. Адолат ва адолатсизлик ҳақидаги қарашлар дастлаб оилада шаклланади. Чарльз Диккенснинг қарҳрамонларидан бири айтганидек, “Болаларни ким тарбияламасин, адолатсизликчалик ҳеч нарса уларга оғир ботмайди”<sup>1</sup>. Асардаги опа-сингил муносабатларидаги адолатсизлик болалар дунёқараши орқали жуда чиройли тарзда очиб берилган. Адолатсизлик инсон катта бўлганидан кейин ҳам уни таъқиб қилаверади.

Дунё тарихидаги энг йирик қарама-қаршилиқлар, урушлар ва инқилоблар айнан адолатсизлик сабабли бошланган.

Адолат ғояси ҳақида сўз борганда, уни баҳолаш методикаси ҳақидаги тўхталиш лозим. Нима адолату, нима адолатсизлик деган мураккаб саволга жавоб бериш зарур. Давлат томонидан ўрнатилган қонунларга риоя этмаган, лекин ўз оиласининг кундалик ҳаёти учун қонун бузган инсон учун адолат нима? Ёки Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарида Отабекнинг Зайнабга қилган муомаласи адолатли эдими, деган саволларга бирдай жавоб беришнинг имкони йўқ. Адолат бу вақт ва макон билан боғлиқ тушунча экани шу ўринда ёдга келади. Адолат масалалари билан шуғулланган Амартия Сен томонидан тақдим этилган иллюстрацияда адолат нақадар мураккаб муаммо экани аён бўлади. Иллюстрациянинг қисқача мазмуни шуки, уч нафар болани кўз олдингизга келтиринг. Анна, Боб, Карл. Ҳар уччаласи флейта мусиқа асбобини талашяпти. Анна уларнинг орасида ягона флейта чалишни билади ва қолганлар буни бир овоздан тасдиқлайди. Бобнинг эса биронтаям

<sup>1</sup> Диккенс Ч. Большие надежды // Собр. соч.: В 30 т. М.: Государственное издательство художественной литературы, 1960. Т. 23. С. 69.

ўйинчоғи йўқ ва флейта унинг умридаги биринчи ўйинчоқдир, буниям қолганлар тасдиқлайди. Карл эса мазкур флейтани ясади ва буниям қолганлар тўлиқ тасдиқламоқда<sup>2</sup>. Агар сиз мазкур болаларнинг фақат биттаси билан гаплашсангиз, унинг ҳақ экан деб ўйлашингиз табиий ҳол. Ҳар уччаласи билан мулоқотдан кейин эса жуда қийин масаланинг ечимини ҳал қилиш зарурлигини тушуниб етасиз.

Юқоридагилардан келиб чиқсак, адолат ҳақида ёзиш жуда мураккаб жараён. Юсуф Хос Ҳожиб эса мазкур муаммони ўз даврининг қонун-қоидалари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб ҳал қилишга уриниб кўради.

Адолат учун бек айлаган сени,  
Одил бўл, адолат узра тур қани!<sup>3</sup>

дея хитоб қилади. Ҳокимиятнинг мазмуни ҳам, халқнинг умиди ҳам адолатдандир.

Янги Ўзбекистонда адолат ғояси давлат сиёсатида марказий ўрин эгаллайди. Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, адолатли ҳуқуқий давлат қуриш каби муҳим йўналишдаги вазифалар жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишни назарда тутди. Маълумки, ижтимоий адолат тушунчаси жамиятдаги барча қатламларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашни назарда тутди. “Ижтимоий давлат – бу давлатнинг шундай моделики, унда ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, жамиятдаги ижтимоий тафовутларни юмшатиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам беришга қаратилган сиёсат юритилади.

Ижтимоий давлат – бу бозор иқтисодиёти шароитида ўз фуқароларига муайян даражада фаровонликни кафолатлайдиган давлатдир. Бундай давлатда жамиятнинг ҳар бир эҳтиёжманд аъзосини ҳеч қандай истисносиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими қарор топади, давлат фуқаролар фаровонлигининг муайян даражаси учун масъулиятни ўз зиммасига олади”<sup>4</sup>. Қодир Жўраевнинг юқоридаги фикрларига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, бозор иқтисодиётининг қонунларининг амал қилиши билан бирга, Ўзбекистондаги ижтимоий вазият – камбағаллик,

<sup>2</sup> Амартия Сен. Идея справедливости. – Москва, издательство интитута Гайдая, 2016. – С. 50.

<sup>3</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Билим соадати)/Абдулхамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 496.

<sup>4</sup> <https://adolat.uz/frakciya/izhtimoij-davlat-muhim-konstituciyavij-tamoijil> - Ижтимоий давлат – муҳим конституциявий тамойил

кўп болали оилалар, ёшлар ва болалар сонининг кўплигидан келиб чиқиб, уларга ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тенг шароитларни яратиш муҳим вазифадир.

Юсуф Хос Ҳожиб Кунтуғди ҳоқон тилидан айтади:

Шиорим адолат, кўнглинг бўлсин тўқ,  
Шоҳ билан гадо мен учун фарқи йўқ.

Адолат бобида мезон ягона,  
Демам бу дўсту ёр, бу ёт-бегона<sup>5</sup>.

Ушбу концептуал фикрлар замирида жамият аъзоларининг ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва миллатидан қатъий назар барчага тенг шароитлар яратиш зарурлигига ишорат турибди. Янгиланаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ижтимоий давлат тушунчаси киритилаётгани заминимизда пайдо бўлган ижтимоий тенглик ғояларининг амалдаги ифодаси, олий қонун даражасида мустақамлаб қўйилган қоидалардаги акси сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг давлат ва жамият қурилишидаги ижтимоий адолат концепцияси қуйидаги жадвалда акс этган:

2.1-жадвал.



Биринчидан, ҳукмдор фаолиятининг бош манбаси адолат бўлиб, адолат ўрнатиш унинг энг асосий вазифаси бўлиши лозим. Ҳокимиятнинг илоҳийлиги ҳам шунда. Худо ҳукмдорга ердаги адолатни ўрнатиш, эл-улуснинг Яратган олдидаги бурчларини бажаришига имконият бериши учунгина тахт берган. Шу сабабдан адолат ўрнатиш ҳукмдорнинг ҳошиш-иродаси эмас, балки унинг илоҳий бурчидир.

Иккинчидан, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлаш бевосита ижтимоий адолат ўрнатилгани билан ҳам боғлиқдир. Бу ўринда ижтимоий адолат XXI асрда қарор топган, минг йиллар давомида шаклланган қарашлардан фарқ қилиши табиий ҳолдир. Ўз даври учун одатий ҳол бўлган ижтимоий қатлам ва гуруҳлар мавжуд бўлишини тан олган ҳолда, улар учун қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва ахлоқ доирасида ғамхўрлик қилиш натижасида жамиятда барқарорлик ўрнатилади. Бу эса ҳокимиятнинг жамият аъзолари ўртасидаги мувозанатни таъминлашига ижобий таъсир кўрсатади ва барқарорлик сақланиб туришига олиб келади.

Учинчидан, Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, сиёсат бобида адолат оят кабидир. Маълумки, Қуръони Каримдаги оятлар ўзгармасдир. Муқаддас ёзувларда қайд этилган буйруқлар ва кўрсатмалардан бирон бир усулда қочиб қутулиш ва алалоқибат Аллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлиш мумкин эмас. Шундай экан, давлат бошқаруви жараёнида адолат мезонларининг бузилишига бирор бир шаклда йўл қўйиб бўлмади. Бундай ҳолат жамият аъзоларининг маълум бир қисмига нисбатан қилинган зулм деб баҳоланади. Ер юзидаги адолатни ўрнатишга ҳукмдорнинг масъулияти Ваҳб ибн Мунаббаҳ томонидан баён қилиб берилган: “Зўравон подшоҳлардан бири баланд қаср бино қилибди. Бир камбағал кампир қасрнинг ёнига кичкина кулба қуриб унда яшай бошлабди. Кунлардан бир куни подшоҳ отига миниб қасри атрофида айланиб юриб бир кулбага кўзи тушиб қолибди. «Бу кимники?» «Камбағал аёлники». У кулбани бузиб ташлашни буюрибди. Кампир келиб кулбаси бузилганини кўриб, ҳаммасини суриштириб билгач, бошини осмонга кўтариб дебди: «Эй Парвардигоро, мен бу ерда бўлмаган эканман, Сен қаерда эдинг?» Сўнг Аллоҳ Жаброилга қасрни ичидаги кишилари билан қўшиб ағдариб ташлашни буюрган эди, у дарҳол буйруқни бажарди”<sup>6</sup>. Қайд этиб ўтилганидек, ҳаттоки оддий фуқаролар эътиборсиз қолдирган масалалардаги фалокат учун ҳам ҳукмдор Аллоҳ олдида жавоб беради. Бу

<sup>6</sup> <https://islom.uz/maqola/11014> - Зулм.

эса адолат ўрнатиш нақадар оғир вазифа эканини кўрсатиб беради. Шу сабабли бўлса керак, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида адолат сўзи 71, одил сўзи эса 55 мартаба учрайди<sup>7</sup>. Бу эса ўша давр ҳоқонлари учун катта маънавий сабоқ, ҳокимиятни бошқаришдаги қўлланма бўлган “Қутадғу билиг” достонининг адолатпарварлик ғояларини қарор топтиришдаги қимматини, муаллифнинг эса юксак инсонпарварлик, минг йиллардан кейин ҳам аҳамиятини йўқотмайдиган ғоялар эгаси сифатидаги қадр-қимматини кўрсатиб беради.

Бу орқали илм аҳли томонидан баён қилинган фикрлар аксарият ҳолларда маълум бир қонуниятларга бўйсуниб айтилган, хулосалар эса мантиқий жиҳатдан асосланганига эътибор қаратилади.<sup>8</sup>

Тўртинчидан, алломанинг фикрича, адолатсизлик давлатни барбод қиладиган энг катта куч. Ижтимоий гуруҳлар манфаати эътиборга олинмаса, улар ўртасидаги қарама-қаршилик адолат тамойили асосида ҳал қилинмаса, бу оқибатда ижтимоий бухронларга сабаб бўлади. Бундай шароитда ҳукмдорнинг заволи ва мамлакатни парокандалиги муқаррардир. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Ҳожиб ташқаридаги душмандан кўра, ички сиёсатдаги адолатсизликнинг оқибатларига кўпроқ эътибор қаратди.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Диккенс Ч. Большие надежды // Собр. соч: В 30 т. М.: Государственное издательство художественной литературы, 1960. Т. 23. С. 69.
2. Амартия Сен. Идея справедливости. – Москва, издательство интитута Гайдая, 2016. – С. 50.
3. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Билим соадати)/Абдулхамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 496.
4. <https://adolat.uz/fraksiya/izhtimoiy-davlat-muhim-konstituciyaviy-tamojil> - Ижтимоий давлат – муҳим конституциявий тамойил
5. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Билим соадати)/Абдулхамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. –Б. 101.
6. <https://islom.uz/maqola/11014> - Зулм.
7. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Билим соадати)/Абдулхамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. 635 б.

<sup>7</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Билим соадати)/Абдулхамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. 635 б.

<sup>8</sup> Мухамедов Асрор (2022). ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯ КОНЦЕПЦИЈАСИ. Ta'lim fidoyilari, 13-09 , 28-32.

8. Муҳамедов Асрор (2022). ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ. Та'лим fidoyilari, 13-09 , 28-32.